

O'ZBEKISTON

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



O'VOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 14-sentabr • Payshanba • 110 (27.602) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• ЎзХДП ва халқаро ҳаёт

ОСИЁ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СЕУЛДА ЎТГАН ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ (ICAPP)НИНГ IV БОШ АССАМБЛЕЯСИДА ИШТИРОК ЭТДИ



зий Кенгаши раисининг ўринбосари Гулрух Агзамова, ХДП фракцияси аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Ражабов ва ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимбергун Сабуров бор эди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ушбу нуфузли халқаро анжуманга пухта тайёргарлик кўрди. Жумладан, Халқаро анжуман иштирокчиларига партия тўғрисида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш учун инглиз тилида, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2005 йил июль ойида бўлиб ўтган V қурултойида ишлаб чиқилган партиянинг янги сиёсий платформаси ва мафқураси, партия аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилган кейинги ижтимоий таркиби ва уларнинг давлат ҳокимияти органларига сайланган вакиллари ҳақидаги қисқа маълумотнома материаллари тарқатилди.

Халқ демократик партияси вакили Гулрух Агзамова «Минтақавий хавфсизлик ва сиёсий барқарорлик» қўмитасининг 2006 йил 8 сентябрдаги йиғилишида ва ICAPP IV Бош Ассамблеясининг 9 сентябрдаги ялпи мажлисида маъруза қилди. Унинг «Ижтимоий-сиёсий тизимни модернизациялаш ва партияларнинг ама-

лий баҳслашуви ривожлантириш — сиёсий барқарорликнинг асосий шартидир» деган мавзуда қилган маърузаси халқаро анжуман қатнашчилари томонидан юқори баҳоланди.

У Ўзбекистонда олиб борилган иқтисодий ислохотларга тўхталаркан, мамлакатимизда замонавий сайлов тизими ва кўппартиявийлик асосидаги вакиллик парламент демократиясига асосланган демократик модернизация изчиллик билан амалга оширилётганини алоҳида таъкидлади. Ислохотларни амалга оширишда демократиянинг миллий моделига ва дунёда умумэтироф этилган стандартларга таянмоқда, бунда тарихий анъаналар ва халқ менталитети ҳам, жаҳон ҳамжамиятининг демократик таъриби ҳам ҳисобга олинаётди.

Айнан инсоният томонидан тўплаган таъриба, деб таъкидлади у, мамлакатимизга жаҳоннинг кўпгина давлатлари ўз демократик ривожланиши давомида дуч келган тўқнашқилардан холи бўлишига ёрдам бермоқда. Делегациямиз вакили ўз партиясининг ушбу масаладаги нўқтаи назарига тўхталар экан, ХДП мамлакат миллий манфаатларига амал қилган, халқнинг тарихий таърибаси сабоқларини ҳисобга олган

ва ўзининг ижтимоий бирдамлик, ижтимоий адолат ва ижтимоий демократиянинг сўл сиёсий мафқурасига асосланган ҳолда демократик ривожланишининг яна самарали йўли сохта инқилобий сакрашлар ёки ижтимоий ларзалардан халос бўлган эволюцион йўл эканлигида ишончи қомиллигини таъкидлади.

Демократик илгарилар кетган давлатларда демократия ҳақидаги шаклланган тўхталар, яъни парламентдаги партиялар ўз электорати манфаатларини оптимал даражада мувофиқлаштириш учун биргаликда фидокорона меҳнат қилиши Ўзбекистон халқ демократлари учун асосий вазифа ҳисобланади.

Бу эса ўз-ўзидан демократик ижтимоий-сиёсий тизим шароитларида партияларнинг конструктив баҳслашуви «сиёсий рақобатчилар устидан мутлақ ғалаба қозонишга эмас», балки жамиятда оптимал даражадаги консенсусга эришишга қаратилган бўлиши лозим, бу эса сиёсий барқарорлик ва ижтимоий ривожланишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

2-бет



Asian Political Parties (ICAPP)

• Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ҳайъатида

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ҳайъати «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги қарори қабул қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашилари, ташкилотлари ҳамда депутатлар тузилмаларининг сиёсий ва ташкилий вазифалари ҳақида» қарор қабул қилди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги қарори партиямиз электоратининг муҳим қатлами, яъни ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиши янада кучайтириш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун янги ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий қулайликларни очиб берилгани, унинг изчил амалга оширилиши партия электорати маълум қисмининг ҳаётий манфаатларига бевосита жавоб бериши таъкидланди.

Ҳужжатда партиянинг бар-

ча кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлар тузилмалари Президент қарориди кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш ва унда бевосита иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги қарори ва уни ижро этиш мақсадида қабул қилинадиган тадбир ҳамда қарорларнинг амалга оширилишини ташки-

ладан ижтимоий-сиёсий ҳаётдан кўзлаб-қувватлаш партия марказий органлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси, партиянинг жойлардаги кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлар тузилмаларининг энг муҳим сиёсий вазифаси, деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясида 2006 йил IV чоррағида мазкур қарордан келиб чиқадиган вазифаларни пухта ўрганиб, депутатлар фракцияси аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини тартибга солуви қонунчилик ҳужжатларининг мезорий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга йўналтирувчи зарур ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш тавсия этилди.

2-бет

ЭКСПОРТ ОШИШИ — ИҚТИСОДИЁТ ЮКСАЛИШИ ДЕМАКДИР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 17-18 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбек пахтасининг доғруғи дунёга кетган. Истиқлол йилларида пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилишга бўлган ёндашув тубдан ўзгарди.

Жаҳон таърибидан маълумки, ҳар қандай хомашёни, жумладан, пещона тери эвазига етиштирилган пахта толасини ҳам арзон-ғаров сотишдан кўра, уни қайта ишлаш кўпроқ иқтисодий самара беради. Ана шу мантандан келиб чиққан ҳолда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан узоқни кўзлаб иш тутилди — янги қорхоналар қуришга киришилди. Икки юзга яқин тўқимачилик қорхонаси модернизация қилинди ва янгидан барпо этилди. Бун-

дай улкан бунёдкорлик натижасида мамлакатимизда етиштириляётган пахтанинг қарийб 25 фоизини ўзимизда ишлаб беришга эришилди. Албатта, бу кўрсаткич сўнгги натижа эмас. Яқин йиллар ичида уни 55 фоизга етказиш мақсадида энгил саноат тармоғида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Энди пахтачилик, илгаригидек, қўриқ ва чўл ерлар ҳисобига майдонларни кенгайтириш ҳисобига эмас, балки истиқболли навлар яратиш, уларни иқлим ва тупроқ унумдорлигига мос равишда жойлаштириш, зарур агротехник талаблар асосида ҳосилдорликни ошириш йўли билан ривожлантирилмоқда. Деҳқонларимиз аввало сара

уруғлик танлаш ва тайёрлашга катта эътибор бермоқдалар. Селекционер олимларимиз томонидан яратилган серхосил навлар ҳоржиклик ҳамкорларимиз томонидан юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Айни пайтда юртимизда гўзанинг йиғирматаселекция нави давлат реестрига киритилган. «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Наманган-77», «С-6524», «Оқдарё-6», «Ан-Боёвут-2» сингари гўза навлари тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, тола сифатининг юқорилиги, касалликларга чидамлилиги ва мавжуд тупроқликнинг шароитларига мослиги билан ҳам ажралиб туради. «Бухоро-6» навининг Ливерпуль пахта биржаси олтин медали билан тақдирлангани ҳамда толаси эта-

лон сифатида қабул қилингани ўзбек пахтасининг жаҳон миқёсидаги эътирофига ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ва унинг ҳудудий лабораториялари мамлакатимиз пахта тозалаш қорхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тола ва момикларга сифат сертификати бериш билан бира, бу маҳсулотларнинг товар-хомуш ёрқинлиги, касалликларга қиймат кўрсаткичларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

«Ўзпахтасаноат» уюшмасининг ҳудудий бирлашмаларидан тола сотиб олиш, сертификатлаш, сак-

лаш, суғурталаш ва экспорт қилишининг самарали тизими шаклланди. Жойлардаги пахта терминналари ушбу хомашёни ҳаридорга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг ташқи савдо қомпаняларига жаҳон нархларидан келиб чиққан ҳолда ўз маркетинг стратегиясини муостақил белгилаш ва пахта толасини сотиш ҳуқуқининг берилиши экспорт ҳажмининг ортишида ва пахтаимизни харид қиладиган хорижий компанияларнинг янада кўпайишида етакчи роль ўйнади. Эндиликда пахта толасини «ичинчи қўл»дан олишга ҳоҳат қолмади. Пахта етказиб бериувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатили имкониятининг юзга келиши хорижий харидор-

ларга ҳам қўл келмоқда. Бугунги кунда юртимизда етиштириляётган пахта хомашёни Хитой, Россия, Эрон, Бангладеш, Қорса Республикаси, Вьетнам каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Мавжуд ер майдонларининг ўз эгасига, яъни фермерларга берилиши қишлоқ ҳўжалиги, жумладан, пахтачилик соҳасидаги барча муваффақиятларнинг бош омилли бўлмоқда. Эндиликда ўзбек деҳқони юқоридан бўйқўл қўймайди, аксинча, ўзининг ақл-заковати, таърибисини ишга солган ҳолда ҳосилдорликни ва ундан келадиган иқтисодий самарадорликни ошириш хусусида ўйлайди.

Деҳқончилик маҳсулотлари етиштирувчиларни ёнғилти-мойлаш материаллари, минерал ўғит-

лар билан таъминлашда тақсимот тизимидан воз кечилгани, барча муносабатлар шартнома асосида қонунийлаштирилиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги фермерларда мулкка нисбатан эгаллик ҳиссини янада кучайтиришда муҳим роль ўйнади.

Шу боис уларнинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, айниқса, пахта ҳосилини етиштиришдаги ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бораётди. Айтилик, ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилининг 66 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич яна йиғирма фоизга ортиши кутулинмоқда. Бундай юксак улуш ҳисобига келадиган иқтисодий манфаатдорлик, аввало, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг янада юкс-

2-бет

O'zbekiston havo yo'li

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR

MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HANMOKI

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74

WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

• ЎзХДП ва халқаро ҳаёт

ОСИЁ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ


(Давоми. Боши 1-бетда)

Бунинг учун, деди у, Ўзбекистонда вакиллик демократияси ва фуқаролик ўз ўзини бошқаришнинг айнан шундай тизимини шакллантириш учун зарур бўлган меъриёв-ҳуқуқий асос яратилган. 2004 йилдан бундан амалга оширилаётган парламент ислохотлари эса бу ҳуқуқий нормалар ва принципларнинг ҳаётга татбиқ этилишига имкон берапти.

2004 йилда икки палатали Олий Мажлис — парламентнинг Қонунчилик палатасига бўлган сайлов биринчи бор кўппартиявийлик асосда ўтказилиб, партияларро бахшлашувни бошлаб берди. Сайлов натижаларига кўра, парламентнинг куйи палатасида вакиллик сонин буйича иккинчи ўринни эгаллаган ЎзХДП эса муҳолиф парламент озчилигини ташкил этди.

Маърузачи бундай масъулиятли кадам партиянинг ўз сиёсати ва мафқурасини чуқур ислох этишига сабаб бўлганини айтиб ўтди. Бугун ЎзХДП:

- ўзини мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти сифатида белгиламоқда;
- шу аснода давлат ва жамиятнинг ижтимоий қўллаб-қувватловига ва ижтимоий ҳимоясига муҳтож бўлган аҳоли қатламларини ўз электорати сифатида аниқ белгилаб олди;
- ушбу сиёсий платформага тегишли ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия сиёсий мафқураси-



га эга;

— мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга йўналтирилган ўз Дастурини ишлаб чиққан.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ХДПни мамлакатдаги бошқа партиялардан ажратиб туради ва парламентда кўпчилиكنи ташкил қилаётган либерал демократия позициясида турганлар билан бахшлашиш учун зарур негизни яратди.

Бундай бахшлашувнинг амалий туси, Сеулдаги анжуманда ХДП делегацияси билдирган фикрга кўра, ягона уч вазифани — мамлакат тинчлигини, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига қаратилган мамлакатни ислох этиш ва

модернизациялашда жўшқинлик бағишлашга кўмаклашди.

Ўзбекистонда мазкур вазифини хал этиш, маърузада таъкидланганидек, Осие мамлакатларининг IV Бош Ассамблеяси муҳокамасига қўйилган устуворликларга ҳам жавоб беради. Зеро, Осие мамлакатларининг ҳар бирида, ушбу мақсадларга эришиш қўлда тинчлик ва ривожланишнинг мустақамлаиди.

Яқунловчи йилгида Ўзбекистон ХДП делегацияси «Осиёда тинчлик ва фаровонлик учун» Сеул Декларацияси қабул қилиниши қўллаб-қувватлади.

Делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкори бўлган Корея Республикасида мамлакатимизда амалга ошири-

лаётган ислохотларга жуда катта қизиқиш билан қараётганига ва бу ислохотлар натижалари ижобий баҳоланаётганлигига эътиборни қаратдилар. Халқаро анжуман арафаси ва кунларида етакчи «Korea Times» газетаси Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовга бағишланган мақолалар туркумини эълон қилди. Юртбошимизни Кореяда «модернизациялашнинг эътирофи» деб аташди. Ассамблея очилиши кунда айнан шу газетанда Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган маросимдаги нутқи матни эълон қилинди. ISCAR анжуманида делегацияларга нуфузли ижтимоий-сиёсий «Korea» журнали тарқатилди. Журналда Ўзбекистонга бағишланган мақолаларга кенг ўрин берилган.

ISCARнинг IV Бош Ассамблеясида Ўзбекистон ХДП делегациясининг иштироки, унинг аъзолари фикрича, партия учун жуда фойдали бўлди. Бу Осие китъаси сиёсий партияларининг ижтимоий-сиёсий ва парламент фаолияти тажрибаси билан яқиндан танишиш имконини берди. Мазкур тажрибаларнинг кўпини ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик тузилмалари иши самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЭКСПОРТ ОШИШИ — ИҚТИСОДИЁТ ЮКСАЛИШИ ДЕМАҚДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Россия, Хитой, Жанубий Корея, Бангладеш, Хиндистон, Туркия, Малайзия, Индонезия, Вьетнам каби мамлакатлар вакиллари ташриф буюрган мазкур нуфузли тадбирнинг ўтказилиши мамлакатимизнинг ҳажон пахта бозоридаги фаол иштирокчилардан бири сифатидаги мавқеини янада ошириб юборди.



Дунё миқёсида ҳар йили ўрта ҳисобда 7-8 миллион тонна атрофида пахта толаси экспорт қилинади. Ана шу улкан рақамларга қўйсан таҳлил этсак, ўтган йилги ярмаркада 1,5 миллион тонна пахта толасини харид қилиш бўйича ҳоржиклик буюртмачилар билан шартномалар имзолашга эришилганининг ўзиёқ бу тадбирнинг нечоғли самарали бўлганини тасдиқлайди. Ўзбекистон биринчи халқаро пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг пахта толаси экспорти салоҳиятини янада ривожлантириш, қўллаб

давлатларнинг пахтачилик ва тўқумачилик саноати вакиллари билан тўғридан-тўғри савдо қилиш ҳамда ўз мuddатли шартномалар тузиш имконини берди. Ана шуларни инобатта олган ҳисобга, оғринибгина жўнатишарди. Сабаби ҳудуддаги 7-мактаб авария ҳолатига келиб қолганди. Мана, орадан саккиз ой ўтиб, ана шундай кўрмисиз илил маскани ўрнида замонавий, барча шариғатга эга мактаб қад ростлади. Уч қаватли бу муҳташам бинони вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмасига асосан тумандаги «Мухриддин» хусусий фирмаси қурувчилари бунёд этишди. Бунинг учун бир миллиард сўмдан шайид маблағ сарфланди.

— Энди, — дейди туман ҳокими Карим Хайитов, — Катта орғунлик болалар кенг ва ёруғ синфхоналарда билим олишга. Замонавий ўқув лабораториялари, компьютер синфи, лингафон хонаси, катта спорт зали, охиона уларнинг хизматига бўлади.

Даврон БАҲРОНОВ

Ўзбек пахтасининг сифат хусусиятлари, пахтани етиштириш, сотиш ва логистика соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш имконияти яратилади. Пахта тозалаш заводлари, терминаторлар ва фаровонлик учун» Сеул Декларацияси қабул қилиниши қўллаб-қувватлади.

Даврон БАҲРОНОВ

Ўзбек пахтасининг сифат хусусиятлари, пахтани етиштириш, сотиш ва логистика соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш имконияти яратилади. Пахта тозалаш заводлари, терминаторлар ва фаровонлик учун» Сеул Декларацияси қабул қилиниши қўллаб-қувватлади.

Ҳа, Ўзбекистон иккинчи халқаро пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг ҳоржиклик давлатлар компаниялари билан ўрнатилган ҳамкорлигини мустақамлашиш ва янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Бошқача айтганда, ушбу ярмарка мамлакатимизда пахта экспортини оширишга, демек иқтисодий-иқтисодий юксалишида, шу орқали халқимиз турмуш фаровонлигининг янада кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади. Ярмарканинг аҳанавий тус олиши Ўзбек пахтасининг халқаро миқёсдаги аҳамиятини янада юксалтириш билан бирга, ушбу хомаёни сотиш ва сотиб олиш борасида юртимиз ҳамда халқор давлатларнинг манфаатларига хизмат қилади.

Норали ОЧИЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси

КАТТА ОРГУНДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ

Илгарилари Когон туманидаги Катта Орғун қишлоғи аҳолиси фарзандларини мактабга хавотирда, оғринибгина жўнатишарди. Сабаби ҳудуддаги 7-мактаб авария ҳолатига келиб қолганди. Мана, орадан саккиз ой ўтиб, ана шундай кўрмисиз илил маскани ўрнида замонавий, барча шариғатга эга мактаб қад ростлади. Уч қаватли бу муҳташам бинони вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмасига асосан тумандаги «Мухриддин» хусусий фирмаси қурувчилари бунёд этишди. Бунинг учун бир миллиард сўмдан шайид маблағ сарфланди.

— Энди, — дейди туман ҳокими Карим Хайитов, — Катта орғунлик болалар кенг ва ёруғ синфхоналарда билим олишга. Замонавий ўқув лабораториялари, компьютер синфи, лингафон хонаси, катта спорт зали, охиона уларнинг хизматига бўлади.

Даврон БАҲРОНОВ

«БИЛАЙН» ЎЗБЕКИСТОНДА

Маълумки, Россиянинг «ВимпелКом» ОАЖ компанияси Ўзбекистондаги «Unitel» масъулияти чекланган жамиятини ўз таркибига олган эди. Кунин кеча у расмий равишда «Билайн» савдо белгиси остида уяли алоқа бўйича хизмат кўрсатишга киришди.

— Ҳозирги вақтда тармоғимиз Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини қамраб олган, — деб таъкидлади «Unitel» МЧЖ бош директори Евгений Рубан. — «Билайн»нинг асосий афзалликларидан бири мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатиш ва айни вақтда абонентнинг баланси нолга тенг бўлгунга қадар маблағларини сарфлашга имкон берувчи янги биллинг тизимидан иборат. «Билайн» брэндини амалиётга ҳоржик қилиб, бор имкониятларимизни алоқа сифатини яхшилаш, тармоқ ҳамини кенгайтириш ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш андозаларини оширишга қаратмоқчимиз.

Шуни айтиш керакки, компания истиқболли режа сифатида ўз филиаллари тармоғини ривожлантириш, бутун қамров ҳудудда GPRS тизимини ишга солиш ва бошқа юқори технологияларни жалб қилишни кўзда тутмоқда.

Бизнинг маълумот: «ВимпелКом» компаниялари гуруҳининг уяли алоқа хизматларини тақдим этиш бўйича лицензиялари 237 млн. киши яшаётган ҳудудни қамраб олган. Журофик хизматдан тармоқ қамровига Россиянинг 78 минтақаси (Россия аҳолисининг 94 фоизини ташкил этувчи 136,5 млн. киши) ҳамда Козогистон, Украина, Тожикистон, Ўзбекистон ва Грузиянинг бутун ҳудуди кирди. У Нью-Йорк фонд биржасининг (NYSE) листингига киритилган Россиянинг биринчи компаниясидир.

«ВимпелКом» компанияси ўз операцияларини амалга ошираётган «Билайн» савдо белгиси «Interbrand Zintzmeier & Lux AG» халқаро консалтинг компанияси ва «Business Week» — Россия журналининг биргаликдаги рейтингига кўра, Россиянинг энг кучли ва қимматбахў брэндни ҳисобланади. Шунга кўра, «Билайн» 5 млрд. АҚШ долларидан зиёдроқ баҳоланган.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари азалдан бир-бирининг илм-фани, маданияти ва санъатини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб келган. Мамлакатларимизда қурилиш, коммуникация, савдо-сотиқ борасидаги алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш учун яхши имкониятлар бор. Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Ислон тараққиёт банки ва Осие тараққиёт банки иштирокида трансакфон йўналиши очилди. Бу йўналишда Ислон Каримовнинг эътирофи билан Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Хирот шаҳарлари орқали Эрон ҳудудига тутошади. Бу билан Марказий Осиедан Форс кўрфазига, океанга туташган бандаргоҳларга чиқиш, у ёқдан эса минтақамизга келиш учун янги, арзон ва қўлай йўл очилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш ишларининг, бу борадаги халқаро ҳамкорлик ҳаракатларининг фаол иштирокчиларидан. Масалан,

кўприксоэларимиз ушбу мамлакатда қўллаб-қўллаш ишларига қўшаётган ҳиссасини, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз, — деди Афғонистон элчиси.

— Ташкент билан Кобул ўртасида ҳаво алоқаси ўрнатилиши, ҳамкорлик масалалари билан шуғулланишдаги қўшма комиссия тузилиши, таълим соҳасида Ўзбекистондан ёрдам олиш масалалари биз учун устувордир.

Мамлакатимизнинг Германия билан ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш борасидаги мулоқотлар фаоллашмоқда. Хусусан, 2005 йилнинг декабрида Германия Федерал мудофиа вазиригининг Парламент давлат котиби Фридрих Пфлюгер Ўзбекистонда бўлди. Немис иқтисодиёти шарқий қўмитаси раиси, «Даймлер-Крайслер» концерни маслаҳатчиси Клаус Мангольд икки бор ишбилармонларнинг йирик делегацияси ҳамроҳлигида Ўзбеки-

тонга келди. Унинг ташрифи асносида Тошкентда ва вилоятларда бизнес-форумлар ўтказилди. Жорий йилнинг июль ойида эса мамлакатимизга ГФР Ташқи ишлар вазиригининг давлат вазири Гернот Эрлер ташриф буюрди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгаймоқда. Мамлакатимизда Германия сармоси иштирокидаги 127 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг йигирмага яқини тўла немис капитални асосида ташкил этилган. Ўзбекистонда ГФРнинг 54 етакчи фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида илм-фан, таълим, саноат, саноат ва саноатлардаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. — Савдо-иқтисодий ва сармосий соҳадаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга, — деди ГФР элчиси. — Ўзбекистоннинг ресурслари ва Германиянинг технологиялари бу йўналишдаги алоқалар кўламини янада оширишнинг муҳим омиллидир.

(ЎЗА)

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ҳайъатида

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Партия Марказий Кенгашининг аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлимига мазкур дастурдан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ХДПдан сайланган депутатлар, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорикенги, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ҳамда шаҳар кенгашлари:

— давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги ХДП депутатлари гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тасдиқланган Дастурни амалга ошириш учун минтақавий ва маҳаллий тадбирларни ишлаб чиқишда ўзларининг фаоллигини кўрсатиш;

— партиянинг ижтимоий шериқлари бўлган Ўзбекистон

Республикаси «Маҳалла», «Нуруний» жамғармалари, Ногиронлар жамияти ҳамда Хотинқизлар қўмитасининг тегишли маҳаллий ташкилотлари билан биргаликда, улар билан имзоланган шартнома ва битимлар асосида электоратимизнинг айнан шу Дастурда кўзда тутилган қатлами аҳолидан доимий хабардор бўлиш ва ғам-хўриқ кўрсатишда фаоллигини ошириш;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги қарори жойларда бажарилиши устидан мониторинг олиб бориб, натижалари бўйича партия мар-

казий органларига тезкор ахборот бериб туришни ташкил этиш вазибалари юкланди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари, партия маҳаллий нашрлари таҳририятларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги қарори ижроси бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган доимий руқнлар очиб, партия маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ва депутатлар тузилмаларининг тегишли фаолиятини кенг ёритиш топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Кунин кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибидан Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши мўлжалланган қатор қонунлар лойиҳалари ва бошқа муҳим масалалар ўрин олди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарордан келиб чиқадиган вазибалар муҳокама қилинди. Бу ҳусусда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазиригининг Ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Алишер Иноқов батафсил тўхтади. Ушбу Қарор ХДП Дастурида белгиланган мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб

этади. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қилади. Шу боис, фракция аъзолари мазкур Қарор ва ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича Дастурнинг қабул қилинишини жуда муҳим деб ҳисобладилар. Шунингдек, уларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш масалалари ҳақида фикрлашиб олдилар.

Депутатлар биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Матлуба Маҳамедова сўзга чиқди. Амалдаги Оила кодексига киритилган аввалги ўзгаришлар ва бошқа янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши муносабати билан кодекс 49-моддасининг айрим жиҳатлари қонунчилик

техникаси талабаларига зид келиб қолган эди. Таклиф қилинаётган ўзгариш бунин бартараф этиб, ниқоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ишларини кўриш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни хал этишни назарда тутди.

Фракция йиғилишида шунингдек, биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари тўғрисида»ги 222-II-сонли қарорига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала бўйича Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Улўбек Вафоев ахборот берди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

• Ислоҳот ва банк

Шу йил 5 майда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлган эди. Республикадаги ҳар бир оила фаровонлигини таъминлашга кўмаклашувчи бўлиб, муҳим Фармон ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Бундай тадбирлар нималардан иборат эканлиги борасида «Микрокредитбанк» Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Мақсудбек ИБРОҲИМОВ га бир неча савол билан мурожаат этдик.

— «Микрокредитбанк» қандай эҳтиблар асосида ташкил этилди ва унинг фаолияти бошқа банклардан нимаси билан фарқ қилади?

— 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши даври бўлди. Бундай иқтисодий ютуқлар Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидлаб ўтилди. Президентимиз шу мажлисда қилган маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамюртларимизнинг кимлар эканлигини қуйидагича таърифлаб берди: «Биринчи навбатда бу — ўз кучи ва имкониятига таяниб-суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини

боқадиган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор-тадбиркорлардир.

Айнан ана шундай одамлар жамиятимизнинг таянчи бўлиб, унинг ижтимоий асосини ташкил этади. Чунки айнан шулар демократик ва бозор ислохотларининг давом эттириш ва чуқурлаштиришдан, мамлакатни барқарор ва изчил ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдор эканини таъкидлаш зарур.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» —

микрофирмаларни қимматбахў машиналар, усқуналар ва техника воситалари билан таъминлаб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашишимиз мумкин.

Кредит олувчиларни ўқитиш дунё амалиётида сармосларнинг муваффақиятини таъминлайдиган омил сифатида тан олинган. Банкмиз ана шундай имкониятлардан фойдаланмоқда, яъни аризаси банк томонидан қабул қилинган кредит олувчи улар учун текин ташкил этилган иккита семинарда қатнашиши шарт. Банкмиз бошланғич (старт) сармосияни шакллантириш, айланма маблағларни тўлдириш ва қасанчиликни ташкил этиш учун ҳам кредитлар беради.

— Бошловчи тадбиркорлар учун белгиланган кредитларнинг миқдори ва фозизлари қандай?

— Юридик шахс мақомига эга бўлмаганлар, яъни ака тартибда иш юритаётганлар учун бошланғич сармосияни шакллантиришга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар, микрофирмалар ва деҳқон ҳўжалиқлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорда, фермер ҳўжалиқлари учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда кредитлар белгиланган. Бу кредитлар бир ярим йил муддатга мўлжалланган бўлиб, фозизлари кам, атиги 5 фоизни ташкил этади.

Лизинг хизматларимиз ҳам асосан ана шундай миқёсда. Бироқ ишлаб чиқаришни муваффақиятли йўлга қўйган тадбиркорлар энг кам иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдордаги микролизинг хизматлари билан таъминланишлари мумкин. Уч йил муддатга белгиланган бу сингари лизинг хизматлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан юқори бўлмаган фозиз ставкаларида берилади.

— Иқтисодий таъминнинг эркинлаштирилиши тўғрисида қандай ўзгаришлар рўй бериётгани яққол кўзга ташланиб турибди. Мақсудбек Машиарипович, бу ўзгаришлар банк тизимларига қандай таъсир этмоқда?

— Бизнинг давримизда катта-катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишни банклар ўз зиммасига олмоқда. Бирор бизнес-режа таклиф этилади-ган бўлса, ҳозирги кунда банк ходимлари уни чуқур ўрганадилар. Жойларга бориб, имконият ва вазият билан танишадилар. Шу тадбирдан ростдан ҳам бирор фойда чиқадиган бўлса, бунга банк астойдил ишонч ҳосил қилса, шундан кейингина сармос ажратади. Мана шундай пухталлик билан ишлагандagina режалар рўйбга қиқади.

«Микрокредитбанк» эса яна ҳам собитқадимлик билан иш олиб бориши керак. Чунки бундай банк мамлакатимизда биринчи марта очилди. Биз ишларини, аввало ҳар бир хонадонда тадбиркорлик учун бошланғич сармосияни шакллантиришдан бошлашимизга тўғри келади. Чунки ҳар қандай йирик ишлаб чиқариш ишлари ана шундай оддий тадбиркорликдан бошланади. Бироқ бундан, банк тадбиркорлигини фақат бошлаб бериб, кейин четга чиқиб туради, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Юқорида таъкидлаб ўтган маълум миқдорни кўзда тутиб, кредитларимиз яқна тартибда иш юритаётган тадбиркор юридик шахсга айланганидан кейин ҳам, каттагина фирма ва шехлар очиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандан кейин ҳам қўмаклашишга қодир.

СТРАСБУРГДА ЎЗБЕКИСТОН ЮТУҚЛАРИ ЭЪТИРОФИ

Сентябрь ойининг боши Франциянинг Страсбург шаҳрида Ўзбекистон белгиси остида ўтди. Халқаро космик университетда «Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги: демократик ислохотлар ва уларнинг келажаги» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди. Унинг доирасида Президент Исом Каримовнинг француз тилида нашр этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмади» асарининг тақдими ўтказилди.

Конференцияда Европа Кенгаши аъзолари, Франциядаги Роберт Шуман номидаги университет ўқитувчи ва мутахассислари, АҚШнинг Жорж Вашингтон номидаги университет олимлари, Халқаро космик университет профессор ва тинловчилари, Францияда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари иштирок этишди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнларини таҳлил этиб, мамлакат мустақиллигининг 15 йилли давомида босиб ўтган йўлни юксак баҳоладилар. Маърузаларда Ўзбекистон раҳбарининг асарига минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, келгусида иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий-сиёсий янгиликларни ҳаётга жорий этишга йўналтирилган чора-тадбирлар аниқ бўлиб берилгани таъкидланди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим геостратегик роли алоҳида қайд этилди.

Конференция доирасида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий, жумладан суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар юзасидан қизгин мунозара бўлиб ўтди. Тадбир якунида йилгиланлар эътиборига Ўзбекистон тўғрисидаги ҳужжатли фильм ҳавола этилди.

— Ўзбекистон нафақат бой минерал хомашё захираликларига, балки катта иқтисодий салоҳиятга ҳам эгадир. Ўтган 15 йил мобайнида мамлакат сезиларли ютуқларни қўлга киритди ва бунга ҳеч қим эътироз билдирма олмайди, — деди Европа Кенгаши эксперти Роберт Герцог.

— Ўттиш даври қийинчиликлари қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёт, фан, хусусан, фазони тадқиқ этиш соҳасида ижобий натижаларга эришди, — дейди Халқаро космик университети профессори Майкл Симпсон. — Ислохотларнинг ўзбек модели ўзини тўла оқлади. Мен яқин келажақда юртингизни ўта мураккаб илмий муаммоларни ҳам ҳал этиш оладиган ривожланган мамлакатлар сафида кўриш умидидаман.

Конференция арафасида эса Страсбургда ўзбек амалий санъати ҳамда Ўзбекистонлик расомлар — Алишер Алиқулов ва Валерий Енин асарлари кўргазмаси очилди.

Файрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА,
Париж

• Солиқ хизмати

БОЗОРЛАР ЮРТ КЎРКИ

Халқимизда «Отанг бозор, онанг бозор» деган гап бор. Ушбу нақддан ҳам кўриниб турибдики, юртимизда қадим замонлардан бозорга катта ишонч билан қаралган. Айниқса, Буюк ипак йўлида жойлашган Осиё бозорларининг доверия мағрибу машириқа тарқалган. Яна айтишдаки, қайси юрт ахлининг турмуш даражасини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорларини кўр...

Мамлакатимизда бозорлар фаолиятини тартибга солиш, сотувчи ва харидорларга зарур шарт-шароит яратиш, расталарни махсуслаштар билан тўлдирши масаласига ҳукумат даражасида алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги «Ноозиқоват истеъмол товарлари билан савдо қилишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фикримиз далилидир. Унга асосан бугунги кунда бозорлар ҳолати ва фаолияти бир мунча тартибга тушди.

Айни вақтда Наманган вилоятида давлат рўйхатидан ўтган 48 та бозор мавжуд бўлиб, уларнинг 24 таси деҳқон бозори, 6 таси буюм бозори, 14 таси ҳайвон бозори, қолган 4 таси эса иқтисодлаштирилган бозорлардир. Кейинги 2 йил ичида бозорларимизнинг қиёфаси кескин ўзгарди. Сотувчи ва харидор учун барча қўлайликларга эга, санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб берадиган янгидан янги расталар, турғун савдо шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айниқса, мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Наманган шаҳридаги «Дўстлик буюм бозори»нинг мукамал таъмирдан чиқарилиб, қўшимча савдо мажмуалари билан ишга туширилгани байрамга

муносиб совға бўлди. Бу ерда 380 та янги, замонавий турғун савдо шохобчаси барпо этилди. Худди шундай ишлар «Жаҳон буюм бозори»да ҳам амалга оширилди. Бундан ташқари асарият бозорларда расталарнинг устки қисмлари қаттиқ қопламалар билан ёпилиб, ҳар бир сотувчига зарур шарт-шароитлар яратилган алоҳида ўринлар ажратилмоқда.

Бу хайрли тадбирларнинг самараси ўлароқ, бозор даромадлари ортмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври учун белгиланган тушум режалари барча бозорларда тўлиқ бажарилди. Бироқ, бу ҳаммаси аъло, ишмиизда камчилик йўқ, дегани эмас, албатта. Вилоят солиқ идоралари томонидан ўтказилаётган мониторинг ва текширишларда бир қатор камчилик ва нуқсонлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда.

Энг аввало, таъкидлаш жоизки, виллоятда бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан алоҳида ишчи гуруҳи тузилган. Ушбу гуруҳ аниқ режа асосида иш юритиб, ҳар бир бозорнинг фаолиятини изчил йўлга қўйишда амалий ёрдам бермоқда. Ўрганишлар домида бир қатор бозорларда сотувчиларга зарур шарт-шароитни етишмаслиги, санитария-гигиена талабларига зид бўлган ҳолатларга ҳам дуч келинапти. Энг ташвишлиси, айрим нопок назоратчиларнинг патта тушумларини кассага эмас, балки чўнтагига уришлари ҳам учрамоқда. Бу камчиликларнинг барчаси ўз вақтида таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш ва тақоррлашмаслик чоралари қўрилади.

Шу йилнинг ўтган 8 ойи давомида виллоят солиқ идоралари томонидан бозорларда 29 та қисқа

муддатли текшириш ўтказилиб, уларнинг барчасида турли даражадаги ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Хусусан, 9 ҳолатда 3 миллион 236 минг 100 сўм нақд пулни банк кассасига топширмадик, 39 ҳолатда давлат стандарт қўригидан ўтмаган тош-тарозилардан фойдаланиш, 14 ҳолатда нақд пул олиб, сотувчиларга патта чеки бермаслик, 2 ҳолатда қанчаларга йўл қўйиш ҳоллари фош этилди. Натижада ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли молиявий жазмалар қўрилди. 3 та бозор раҳбарига нисбатан ҳуқуқчи муҳофизатга қўрилди. 3 та бозор раҳбарига нисбатан ҳуқуқчи муҳофизатга қўрилди. 3 та бозор раҳбарига нисбатан ҳуқуқчи муҳофизатга қўрилди.


Бундай факт ва рақамларни яна қўлга келтириш мумкин. Энг асосийси, уларнинг қанчаларига эмас, албатта. Биз бозорлар билан ишлашда аниқланган камчиликлардан тегишли ҳулоса чиқаришга, яъни келгусида бундай нуқсонларга йўл қўймаслик чораларини қўришга мутасаддиларни жалб этмоқдамиз. Бунда бозорларнинг ўзида тадбиркорлар билан ўтказилаётган семинар ва учрашувлар яқини самара бермоқда. Бундан ташқари соҳани тартибга солишга оид турли кўргазмали воситалар, плакатлар тайёрланиб, бозорларга ўрнатилмоқда. Хар бир бозорда радиоэвзел мунтазам ишлаб турибди. Бу ишларимизнинг барчаси бир мақсад йўлида — халқимиз турмуш даражасини белгилаб берувчи бозорларимизни замонавий, жаҳон талаблари даражасига кўтариш учун қилинмоқда.

Баҳоидир АКБАРОВ,
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси «Бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси» бошлиғи

ЧЕРНОГОРИЯ

Черногорияда яшанба кўни бўлиб ўтган парламент сайловларида бош вазир Мило Жукович бошчилигидаги «Европа Черногория учун» коалицияси галаба қозondi. Маълумотларга кўра, блок 81 мандатдан 41 тасини қўлга киритган.

Муҳолифатдаги «Серб рўйхати» коалициясига парламентдан 12 та жой насиб этди. «Ислохотлар учун» партияси 11 та ўринга эга бўлди. Кейинги ўринларни эса Социалистлар халқ партияси ва Серб демократик партияси эгаллади.



Умумий ҳисобда сайловда бешта сиёсий партия, олти коалиция ва битта жамоат ташкилоти қатнашди. Сайловчиларнинг 70 фоизи ўз овозларини бериш учун сайлов участкаларига келган.

ТУРКИЯ

Туркиянинг Диёрбакир шаҳридаги автобекатлардан бирида сешанба кўни рўй берган портлаш натижасида 7 нафар шахс ҳалок бўлди, 17 нафари жароҳат олди. Полиция берган маълумотга кўра, портловчи мослама мобил телефондан қилинган кўнгирок ёрдамида ҳаракатга келтирилган.

Айни пайтгача Туркияда мавжуд бўлган экстремистик гуруҳларнинг ҳеч бири портлаш учун жавобгарликни бўйнига олмади. Мамлакатнинг қурдлар яшовчи жануби-шарқий қисми энг нотинч ҳудудлардан ҳисобланади. Охириги ойларида портлаш ва фаолияти ман этилган Курд ишчи партияси жангарилари билан отишмалар оқибатида юздан ортиқ полициячи ҳалок бўлди.

Йил бошидан буён Туркияда амалга оширилган 16 та террорчилик ҳаракати туфайли 12 нафар шахс ҳаётдан кўз юмган, 200га яқини жароҳатланган.

Бу террорчиликлар учун жавобгарликни қурдларнинг «Курдистоннинг озод лочинлари» айирмачи гуруҳи ўз бўйига олиб, чет элликларга Туркия қурортларидан узоқроқ юришни маслаҳат берган.



УКРАИНА

Украина Олий радасининг собиқ раиси Владимир Литвин етакчилигидаги Халқ партияси амалдаги ҳукуматга нисбатан муҳолифатга ўтишини эълон қилди.

УХП сиёсий ғояшларини муҳолифлик фаолиятида билдиришга чақирди.

Литвин бошчилигидаги партия март ойида ўтган

сайловда зарур бўлган уч фойз овозни тўплай олмаганлиги боис парламентда бирорта ўринни «ишғол» этолмади.

Украинанинг энг катта мухолиф кучи сифатида Юлия Тимошенко блоки тан олинган. Блок 450 ўринли Украина парламентидан 129 ўринни эгаллаган.

СУРИЯ

АҚШ маъмурияти Дамашқдаги Америка элчихонасига уюштирилган ҳужум суриялик полициячилар томонидан қайтарилганлиги учун Сурияга миннатдорчилик билдирди. Маълумотларга кўра, ҳужум уюштирилганнинг уч нафари ўлдирилган, яна бири қўлга олинган.

— Бу Америка элчихонасига қарши террорчилик ҳаракати эди. Уни хали аниқланмаган террорчилик гуруҳи уюштирди, — деди Сурия ички ишлар вазирини Бассам Абдул Махид.

Гувоҳларнинг айтишларича, террорчилик АҚШ элчихонасига қарата ўтган. Кейин эса элчихона ёнидаги машина портлатиб юбормоқчи бўлганда, портловчи мослама панид берган. Элчихона ҳудудига қарата отилган миналар эса тўсиқдан ошмаган.



ФАРОВОНЛИК ХИЗМАТИДА

«Микрокредитбанк» ўзининг ишончли миқдорларга бошқа мамлакатлардаги энг илғор техникаларни лизинг сифатида олиб келиб бериш, унинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, амалий ёрдамлаштиришга қодир. Чунки банкнинг микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишга даъват этилган.

Берилган кредитлар аниқ белгилаб қўйилган мақсадлар учун ишлатилиши керак. Ақс ҳолда микрокредитларнинг халқимиз учун фойдаси ҳам тегадир. Масалан, ҳозир чорва моллари сотиб олиб, фермер хўжаликлари ташкил этиш ва оила-ни бойитиш учун қўллаб қўллайди акрратмоқдамиз. Базилар кредитга чорва моллари сотиб олади, бу ҳақда маълумотнома ҳам топширишади. Кейин тегиш маълумоти сўйиб содда ва пулга айлантиради. Шу пайтдан бошлаб пулнинг айланмас фаолияти тўхтабди. Бу унинг қўлайиш имкониятларига барҳам берилади. Мухими ишчи ўринлари яратишда энг долзарб вазифа бажарилмай қола-

ди. Банкнинг сармояларнинг аниқ мақсадлар учун сарфланаётгани ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида доимий мониторинг ишлари олиб боради. Бундан ташқари, биз банк агентлари ташкил этганмиз. Улар сармояларни қўлайитиришга, ундан оиласи ва яшаётган ҳудуддаги одамлар учун бирор манфаат чиқаришга, яъни иш ўринлари яратишга қодир бўлган ишбилармон ва билимли тадбиркорларни топиш мақсадида иш юритадилар.

— **Ойлар фаровонлиги барқорор бўлиши йўлида жамоат ташкилларини, жумладан, сиёсий партиялар билан ҳам ҳамкорлик қилаёсизларми?**

— Жамиятимизда хотин-қизлар катта, айни пайтда тўлиқ ишга солинмаган, қудратли куч ҳисобланади. Тадбиркорлик борасида биз, хотин-қизларнинг энг ишончли шерикларимиз, деб биламиз. Кейинги пайтларда ҳукуматимиз хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Биз бундай ишларни рўёбга чиқариш учун ўз сармояларимиз билан ёрдам бермоқдамиз. Банкнинг ташкил этилганидан

буён Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Марказий банк билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг 150 тумани ва шаҳарларида ўтказилган семинарлар ва учрашувларда тадбиркор хотин-қизлар билан мулоқотлар олиб бордик. Ушбу семинарларда 12 минг нафар тадбиркор аёл иштирок этди. Уларга 700 миллион сўм кредитлар ажратилди. Бу тадбирлар қўлига аввалида 1860 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Кишлоқдаги оилалар асосий даромадларини чорвачиликдан олиши ҳеч қимга сир эмас. Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини қўлайитириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қай даражада долзарб ва муҳимлиги ҳаммага аён. Мазкур қарорнинг амалий жиҳатдан бажарилишига «Микрокредитбанк» астойдил кўмаклашиб келмоқда. Банкнинг кам таъминланган 2501 оилага чорва моллари олиш учун 1 миллиард 970 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратди.

Биз сиёсий партиялар билан халқ фаровонлиги йўлида бир-галликда иш олиб беришни режалаштириб қўйганмиз. Маса-

дан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан ҳамкорлик қилиш, партияга ҳам, банкка ҳам фойдали бўлган тадбирлар уюштириш борасида фикрлашмоқдамиз. Чунки Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофиза қилишни ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб билади. Ана шундай масъулиятни ўз зиммасига олган бошқа партиялар ҳам бизнинг ҳамкоримиз бўлаверди.

— **«Микрокредитбанк»дан сармоялар олиб, ишларини йўлга қўйган тадбиркорлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз...**

— Аввало шунини айтиш керакки, маҳорат ва заковат эгаси бўлган инсон ўз тадбиркорлигини қаерда бўлмасин йўлга қўйиб олишга имкон топар экан. Кўпинча, чекка ҳудудларда бошлаган тадбиркорлик нима ҳам бўлар эди, дея умидсизликка тушганларнинг ҳам туюқи бўлганда, «Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Банк очилганидан буён ўтган қисқа муддат давомида 9 минг 300 нафарга яқин миқдорлар «Микрокредитбанк»да ўз ҳисоб бўлган инсон ўз тадбиркорлигини қаерда бўлмасин йўлга қўйиб олишга имкон топар экан. Кўпинча, чекка ҳудудларда бошлаган тадбиркорлик нима ҳам бўлар эди, дея умидсизликка тушганларнинг ҳам туюқи бўлганда, «Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Сўхбатдош:
Рашид РАУПОВ

ҚАЙСИ ДУНЁҚАРАШ

ЗЎР?

ЎКИ ДАҲОЛИК
БАЛОСИНИНГ САБАБЛАРИ
ҲАҚИДА

Илгари синфий дунёқарашлар бўларди: капиталистик, коммунистик дегандай... Ҳозир мазмун-моҳияти ва мақсади жиҳатидан улар жуда кўпайиб кетган. Айтайлик, миллатлараро, давлатлараро, минтақалараро, қишлоқлараро дунёқараш дегандай... Бу гал биз жаҳонга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган қишлоқлараро дунёқараш ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ҳозир жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, халқаро муносабатларни, бошқаларга таъсир ва таъйик ўтказиш усулларини, ғоя ва мақсад йўлидаги курашларни қулайлик билан бораётганини аниқлаш мумкин. Мамлакатнинг қурдлар яшовчи жануби-шарқий қисми энг нотинч ҳудудлардан ҳисобланади. Охириги ойларида портлаш ва фаолияти ман этилган Курд ишчи партияси жангарилари билан отишмалар оқибатида юздан ортиқ полициячи ҳалок бўлди.

Йил бошидан буён Туркияда амалга оширилган 16 та террорчилик ҳаракати туфайли 12 нафар шахс ҳаётдан кўз юмган, 200га яқини жароҳатланган.

Бу террорчиликлар учун жавобгарликни қурдларнинг «Курдистоннинг озод лочинлари» айирмачи гуруҳи ўз бўйига олиб, чет элликларга Туркия қурортларидан узоқроқ юришни маслаҳат берган.

Шуни таъкидлаш лозимки, америкача дунёқараш билан европача дунёқараш ўртасида баъзи жиҳатларда фарқ бор. Масалан, бугунги кунда энг долзарб ҳисобланган демократияни жорий этиш усулларига муносабат билан боғлиқ ёндашуви олиб кўрайлик. Германиянинг Маршалл фонди шу йил Европадаги ўн иккита давлатда ўтказган тадқиқотга кўра, аҳолининг 76 фоизи демократияни жорий этишда куч ишлатишга қарши.

Яна бир гап, АҚШда демократияни ривожлантириш борасидаги ҳукумат сиёсатини республиканлар партиясининг 64 фойз аъзоси қўллаб-қувватламоқда. Агар 2002 йили дунёвий ишларда АҚШ етакчилигини 64 фойз европалар қўллаб-қувватлашган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 37 фойзга тушиб қолган. Фунднинг охирида АҚШнинг ўзида ҳам тадқиқот ўтказган. Тадқиқот натижасида европаларнинг АҚШ ҳукумати ўтказётган сиёсатга (айниқса, Ироқ воқеасида деярли) муносабати ҳам аниқланган. Маълум бўлишича, давлат раҳбарининг сиёсатини маъқуллаш кўрсаткичи жуда пасайиб, 2002 йилдаги 38 фойздан 18 фойзга тушиб қолган.

Демократияга муносабат ҳақида америкача дунёқараш билан европача дунёқараш ўртасидаги фарқ ҳақида гап борар экан, ҳаммага маълум аниқ бир мисолни айтиб ўтмоқчимиз. Мазлумки, Фаластинда демократик сайлов асосида ХАМАС ҳокимият тепасига келди. Бу сайлов демократик рўхта ўтганлигини Европа Иттифоқи, демократик, Европадаги давлатлар тан олди, бироқ АҚШ тан олмади. Бу АҚШнинг демократик стандартлари билан Европанинг демократия мезонлари ўртасида фарқ борлигини кўрсатади. Бундай ҳолатни Ливандаги «Хизбуллоҳ»га нисбатан ҳам кўриш мумкин. Европада шундай давлатлар борки, улар «Хизбуллоҳ»ни партия мақомига эга бўлган сиёсий куч, деб билишади. Худди шунингдек, ХАМАС вакили бўлган Фаластин бош вазирини ҳам қандай қилиб тан олмаслик мумкин? Ҳозир бу масалага ҳар бир давлат ўз муносабатидан келиб чиқиб ёндашмоқда. Агар жиддийроқ ўйлаб қаралса, демократияга ва уни жорий этишга айрим давлатлар ўзлари ишлаб чиққан стандартлардан келиб чиқиб ёндашмоқдалар. Турли миллий, диний, маънавий, умуман башарий қадриятлар эътиборга олинмасдан, кимлардир томондан ўйлаб топилди, стандартлаштирилган сунъий қадриятлар ҳеч қачон

бошқалар учун мажбурий бўлмайди. Буни англаб етмасликнинг ўзи демократияни англамаслик.

Одатда, жаҳон Оқ уй деганда АҚШни, Европа уйи деганда Европа Иттифоқини тушунади. Фарқи шундаки, биринчи уйнинг ўзида бошқа фарзанди йўқ, иккинчи уйнинг эса йўқирма беш нафар фарзанди бор, яқинда улар яна иккитага кўпаяди. Демак, биринчи уйда бир фикрлилик, иккинчи уйда кўп фикрлилик мавжуд. Кўпфикрлилик эса демократияга хос. Демак, иккинчи уйда эркинлик, яъни демократик онг устун. Афтидан, жаҳондаги энг долзарб масала ва муаммоларга ёндашувларда, турли сиёсий, иқтисодий, дипломатик ва бошқа санкциялар юзасидан тақлифлар киритишда, бировларга даъволар қилиб, таъйиклар ўтказишда, бошқа давлатлар ҳамда халқларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини англашда баъзан бир фикрлилик билан кўп фикрлилик ўртасида катта фарқ кўзга ташланаётганлиги боиси ҳам шундан бўлса керак. Аслида бу иккинчи ҳолат. Кўп фикрлилик тўғрисида қарор қабул қилиш учун қулай имконият. Ақс ҳолда кўпгина муҳим халқаро масалаларда биртомонлама қарорлар қабул қилинган бўларди.

Шундай, америкача дунёқараш билан европача дунёқарашда анчагина фарқ бор. Шунга қарамадан муроса йўлини топишда томонлар бир-бирларига ён босишга мажбурлар.

Энди осийча дунёқарашга келсак, бу ерда вазиат анча мураккаб. Америкача ва европача миллий қадриятлар нафақат маънавий, маданий, миллий қадриятлар жиҳатидан, балки диний жиҳатдан ҳам бир-бирларига яқинлар. Уларни христианлик бирлаштириб туради. Осиёча дунёқараш эса мутлақо рағбатланганлик асосланган. Бу ерда бир-бирдан тубдан фарқ қилмаган, аввало, миллий ва диний, қолаверса, тарихий-маданий ҳамда маънавий-маърифий қадриятлар мавжуд. Утимишда жаҳонда турли динларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишида бу қишлоқнинг ўз ўрни бор.

Осиёнинг қадимийлиги, муқаддас қадимжолари ва маънавий меросга бойлиги, жаҳон цивилизациясига қўшган улушнинг салмоғи, тавақкур оламидаги ўрни ва аҳамияти билан бошқа ҳеч бир қишлоққа қараганда, Европада масжидлар йўқми?! Жуда кўп. Демак, Конституцияда фақат черковларгина қонуллаштирилган.

Аввало, европача дунёқараш даҳолари шунини унутмасликларини керакки, Европа Иттифоқи — бу христианлар уюшмаси ёки черковлар бирлашмаси эмас, балки соф сиёсий тизим. Бу тизимда ҳеч бир миллат, ҳеч бир диний эътиқод, ҳеч бир маҳон цивилизациясига қўшган улушнинг салмоғи керак. Қолаверса, европалик христианлар учун маданий қадриятлар қанчалик қадрили бўлса, европалик мусулмонлар учун ҳам ўз маданий қадриятлари шунчалик азиз эканлигини эсдан чиқармаслик бўйича ҳам Осиёнинг бугунги салоҳияти юксак.

Шундан келиб чиқиб, ҳулоса қилинадики бўлса, осийча дунёқарашнинг бугун жаҳон кун тартибидидаги иштироки, умуман, халқаро майдондаги ўрни ва аҳамияти бошқа дунёқарашлардан кам бўлмаслиги керак. Афсуски, кўп ҳолларда шундай бўлмапти. Айтайлик, жаҳонда юз бераётган турли воқеа-ҳодисаларга ёндашувларда, юзага келган вазиятларга баҳо беришда ва қарор қабул қилишда осийча дунёқарашдан кўра кўпроқ европача дунёқараш инобатга олинади. Одатда, бундай пайтда демократия деган ниқобдан усталлик билан

фойдаланилади.

Бу билан, шубҳасиз европача дунёқараш осийча дунёқарашга нисбатан устун қўйилади. Ваҳоланки, Осиёда ер юзидаги аҳолининг яримдан кўپи яшайди. Бу қанқаси, уч миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқнинг қадриятлари, сўзи ва овози, турмуш тарзи камситилса-да, атиги бир неча юз миллион киши истиқомат қилмаган қишлоқнинг сунъий равишда ўйлаб топилган қадриятлари — турмуш тарзи қадриятлари бошқаларга мажбур қилинса?! Шунинг ўзи демократияга (эркинликка) зид хатти-ҳаракатлар эмасми? Бир миллионнинг бошқа миллият, бир давлатнинг бошқа давлат, бир жаҳоннинг бошқа жаҳон, бир диннинг бошқа дин, бир маънавиятнинг бошқа маънавият, бир турмуш тарзининг бошқа турмуш тарзи ва бир дунёқарашнинг бошқа дунёқараш устидан ҳукмонлик ўрнатиш учун бўлаётган зўравонлигининг ўзи демократияга суиқасд эмасми?

Европача дунёқараш, шубҳасиз, ўзини демократик ғоя даҳоси ҳисоблайди. Бироқ унинг хатти-ҳаракатида осийча дунёқараш даҳолик қулатилади. Яъни, Осиёдаги ҳаётни ўз стандартлари билан ўлчаб баҳолайди. Гўё Осиёдаги қадриятлар яроқсиз ва кераксиздек. Бир мисол. Европа Иттифоқи ўзи Конституциясини ишлаб чиқди. Бу ҳужжатда мунозарали жиҳатлар кўп. Унинг айрим мисолларида мусулмон оламига тоқатсизлик акс этиб турибди. Жумладан, Конституциянинг 51-моддаси, биринчи бандида шундай дейилган: «Иттифоқ аъзо давлатлардаги черковлар ва диний бирлашмалар ёки жамоаларни ҳурмат қилади ва уларнинг иш тартибларини ҳамда миллий қонунилик томонидан ўрнатилган тартибларини бузмайди». Савол туғилади: бош ҳужжатда нега фақат черковлар қўрсатилган? Нима, Европада масжидлар йўқми?! Жуда кўп. Демак, Конституцияда фақат черковларгина қонуллаштирилган.

Аввало, европача дунёқараш даҳолари шунини унутмасликларини керакки, Европа Иттифоқи — бу христианлар уюшмаси ёки черковлар бирлашмаси эмас, балки соф сиёсий тизим. Бу тизимда ҳеч бир миллат, ҳеч бир диний эътиқод, ҳеч бир маҳон цивилизациясига қўшган улушнинг салмоғи керак. Қолаверса, европалик христианлар учун маданий қадриятлар қанчалик қадрили бўлса, европалик мусулмонлар учун ҳам ўз маданий қадриятлари шунчалик азиз эканлигини эсдан чиқармаслик бўйича ҳам Осиёнинг бугунги салоҳияти юксак.

Шундан келиб чиқиб, ҳулоса қилинадики бўлса, осийча дунёқарашнинг бугун жаҳон кун тартибидидаги иштироки, умуман, халқаро майдондаги ўрни ва аҳамияти бошқа дунёқарашлардан кам бўлмаслиги керак. Афсуски, кўп ҳолларда шундай бўлмапти. Айтайлик, жаҳонда юз бераётган турли воқеа-ҳодисаларга ёндашувларда, юзага келган вазиятларга баҳо беришда ва қарор қа


КИШЛОҚДА... «ЭЙФЕЛЬ МИНОРАСИ»

Шу йил Франциялик олис масофага югуриш бўйича рекорд ўрнатган Серж Жерар Европа-Осиё бўйлаб сафарга чиқди. У Париж — Токио йўналиши бўйича 19300 километр масофани югуриб ўтиши керак эди. Югурувчининг йўли Фаргона водийси орқали ҳам ўтарди. У Фаргона вилоятидаги Фуркат тумани худудидан ўтаётган пайтида спортчининг эътиборини галати бир кўриниш ўзига тортиди... Пасту-баланд, ўзбекча йилар қаторида Париждаги ухшаш машҳур «Эйфель минораси» кўриниш турарди! Хайратдан лол қолган спортчи тўхтаб, минора билан яқиндан танишди. Туман марказидан хиёл олисдаги Қулбобо қишлоғида жойлашган миноранинг баландлиги 21 метр бўлиб, у «Эйфель минораси»нинг 15 марта кичрайтирилган нусхаси эди. Энг кичик деталлардан тортиб барча қисмларигача «Эйфель минораси»нинг ўзи. Спортчи минора билан танишган, хайратини яшира олмай ва бу миноранинг тасвири ҳамда у хақидаги маълумотларни интернетга киритиб жаҳон ва айниқса, Франция фуқаролари диққатига етказди.

— Минора қурилишини 2002 йилда бошлаганмиз, — дейди «Франция-98» хусусий савдо фирмаси раҳбари Комилжон Жўраев, — уни Францияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларига бағишлаб қурганмиз. Минора қурилишига 10 тоннадан ортиқ металл ишлатилган. Олти миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланган. Бу минора ўзбек ва француз халқларининг дўстлиги, ўзаро ҳамкорлиги рамизи сифатида барпо этилган.

Ха, Ўзбекистоннинг олис бир қишлоғида инсоният тарихидаги мўъжиза иншоотларидан бирининг кичрайтирилган нусхаси қад ростлаб турибди. Унинг тепасига футбол тўпи — тинчлик, дўстлик, шижоатли спорт ўйини рамизи ўрнатилган.

Алишер ИБДОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



ЎТМИШНИ ЭСЛАБ САБОК

Урушнинг оти ўчин. Уруш нималигини ўша йилларда яшаганлар яхши билишарди. ...Эркаклар урушга кетган. Иш фақат хотин-халаҳ, ёшларга қолган. Айниқса, эндигина қўлидан иш келиб қолган ўспиринларга осон бўлган эмас. Ўша давлардаги кийинчилар кўриши эслаганда юрагим зирқиб кетади.

...Эзи таътил даврида далада ишламаган ким бор?! Қишлоқда яшовчи хар бир бола эга таътил бошлангачи биланқоз онасига ёрдам бериш учун ишга чиқиб кетарди. Бригада бошига уларнинг бир бригада ёшига қараб иш беради. Бириси помидор терса, иккинчиси узум узарди. Айримлари, яъни билдада кучи борлари ўза чолиғида қатнашарди. Эндигина қўлидан иш келадиган қизлар эса чопиқ қилаётганларга осон бўлсин, деб ўза тағидида бегона ўларни юлишарди.

Мен эса йигитчалар қиладиган иш, яъни от минардим, эгтарлардан юрганда экинларни босиб кетмаслиги учун отни етаклардим. Жониворлар менга ўрганиб қолишгани учун отом изимда бўлишарди. Гоҳида қишлоқда кўйиб юбориб, фақат эгтарнинг бошидагина тортардим. Ёши улуг шеригим дам олган кезларида отни бемалол ўзим бошқариб, эгтарни юмшатардим, культивация қилардим. Сув ялаб кетган узун ариқларда отнинг юриши кийинларди. Айрим пайларда гандирақлаб кетиб, бирикми туп ўзани пайхон этарди. Бу айни бекитиш учун отни тезроқ ҳайдардим. Жав-

зо жазирасида тондан-шомгача даладан бери келмасдик. Хуллас, биз болалар катталар билан баробар ишлардик. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Пайкалнинг четиди тоқзорда узум шундай пишган-дики, одамнинг кўзи ўйнади. Айниқса, қизил чиллаки ва дарои узум ниҳоятда етилганди. Ҳужумдан бол томарди. Ёнига-надаги ишқомдаги кишимишни айтмайсизми. Болалик экан-да, кўнглим кетди. Узумга ҳавасим келди.

Отни эгат бошига чиқардим-да шох-шаббалардан қилинган говни аста очиб, кишидан икки бош узиб қўйинимга солиб чиқдим. Узумланинг бир бошини ювиб, энди озимга солмоқчи эдим иш ўргатувчи келиб қолдилар. — Узумни қаердан олдинг? — деб сўрадилар. — Колхознинг боғидан, нариги ишқомдан, — деб кўрсатдим. — Колхознинг узуми сенга халфанам, бу кўпчиликнинг хақи-ку, — деб қамчи билан савалаб кетдилар. Хар қамчи тушганда баданим шундай зирқирардики, чидаб бўлмасди. — Бой ота энди қилмайман, тавба қилдим, — деб чинқирим-шимга қарамай қамчилардилар. Атрофдагилар бақир-чақирни эшитиб, етиб келишди. — Ха, нима гап, Раззоқ? — деб сўради Тоживой амаки. — Бировнинг боласини ҳам шунчалар урасанми? Инсоф борми, сенда?!

— Бу бировнинг боласимас, менинг болам, Сизнинг болангиз. Бугун узум ўғирлабди, эртага бошқа нарсани...
Юнус ЗИЁДОВ

● Спорт

XV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ: ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Шу йилнинг 1-15 декабрь кунлари Доха (Қатар)да XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Кунги кеча мусобақа дастуридан жой олган футбол учрашувларига қуръа ташланди.

Бахсларда қитъамизнинг ўттиз мамлакати терма жамоаси катнашиш истагини билдирган. Аммо мусобақанинг Қатарда уюштирила-диган финал босқичида йигирма тўрт жамоа тўп суради. Шунинг ҳамда олган ташкилотчилар XV Осиё ўйинларини катнашиш учун ариза берган терма жамоалардан йигирма иккитасининг бахсларда тўғридан-тўғри иштирок этишига имконият яратди.

Қолган саккиз мамлакат футболчилари эса иккита йўлланма учун саралаш бахсларида катнашадиган бўлди: **1-гурӯх:** Иордания, Тожикистон, Қирғизистон, Макао. **2-гурӯх:** Сингапур, Сурия, Индонезия, Ироқ.

Ҳамюртларимиз финал босқичининг «А» гурӯхидан жой олган. Унда вакилларимиз Қатар, Бирлашган Араб



Амирликлари терма жамоалари ҳамда саралаш босқичининг 1-гурӯхи голибига қарши баҳс юрताди. Мусобақадаги қолган бешта гурӯх эса қуйидагича кўриниш олган: **«В» гурӯхи.** Жанубий Корея, Бахрайн, Вьетнам, Бангладеш **«С» гурӯхи.** Таиланд, Кувейт, Яман, Фаластин **«Д» гурӯхи.** Эрон, Ҳиндистон, Сянган (Гонгконг), Мальдив ороллари **«Е» гурӯхи.** Хитой, Уммон, Малайзия, 2-гурӯх голиби **«Ф» гурӯхи.** Япония, КХДР, Туркменистон, Покистон

Куръа натижаларидан кўриниб турибдики, «қитъа олимпиадаси»да «чарм тўп» усталаримизни жиддий рақиб ва ўйинлар кутиб турибди. Хўш, мазкур нуфузли мусобақага вакилларимиз қандай ҳозирлик кўришмоқда? Бош мураббий Рауф Инилеев раҳбарлигида тайёргарлик қўраётган терма жамоамиз имконияти қандай? — Осиё ўйинларида кучсизлар бўлибди, — дейди Рауф Инилеев. — Жумладан, қитъа микёсида охириги пайларда уюштирилаётган мусобақалар ҳам сўзимизни тасдиқлаб турибди. Гурӯхимиздаги барча терма жамоаларнинг имкониятлари тенг, деб ўйлайман. Рақибларимизнинг эса ўз ол-

диларига камида кейинги босқичга чиқиш вазифасини қўйиши, шубҳасиз.

— Осиё ўйинларига қай тартибда ҳозирлик кўришмоқда?

— Маълумки, ушбу мусобақада 23 ёшгача бўлган футболчилар катнашади. Миллий чемпионатимиздаги танаффусдан фойдаланиб, 29 август — 7 сентябрь кунлари терма жамоага номзодлар билан илк ўқув-йиғин машғулоти ўтказдик. Йиғин мобайнида футболчилар билан тактик услублар устида иш олиб борилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (5:4), «Навбахор-Н» футболчилари (2:3) билан назорат-синов учрашувлари уюштирдик. Жамоани шакллантириш жараёнида ва ҳар бир йиғинда янги футболчиларни синовдан ўтказялмиш. Дастлабки машғулотларда асосий ўйинчиларимиздан Ислом Иномов, Александр Клещков, Виталий Денисовлар иштирок этишмади. Миллий терма жамоадан фарқли ўлароқ, илк йиғинга Фарход Ёўлдошев («Самарқанд»), Мурод Зухуров («Металлург»), Темура Султонов, Шавкат Раимқулов («Навбахор-Н»),

Саҳоб Жўраев («Локомотив»), Александр Ковалёв («Насаф»), Бахтиёр Ёқубов («Нефтчи»), Одил Аҳмедов («Пахтакор»), Игорь Таран («Шўртан»)ларни жалб қилдик. Азамат Мусаев, Иброҳим Отахонов, Иброҳим Раҳимов (барчаси «Андижон-ЎздЭУавто»дан), Баҳриддин Ваҳобов («Тупаланг»)лар машғулотларда ўзларининг ижобий жиҳатларини намойиш этишди. Бундан ташқари, йиғинда тажрибали Ярослав Крушельницкий («Навбахор-Н»), Мансур Саидов («Нефтчи»), Рустам Қодиров («Машъал»), Илҳом Суянов («Пахтакор»), Константин Боев («Насаф»)ларни яна бир бор синовдан ўтказдик.

— Осиё ўйинлари бошлангунга қадар яна йиғин ва назорат учрашувлари ташкил этиладими?

— Албатта. Навбатдаги ўқув-йиғин машғулоти 24-27 сентябрь кунлари оралиғида уюштирилади. Шунингдек, октябрнинг дастлабки ўн кунлигида Тошкентда Таиланднинг 23 ёшгача бўлган футболчилари билан ўртқоқим учрашуви ўтказиш мўлжалланган.

Эркин ХОЛБОБО

РАҚИБ АНИҚ

2008 йил Пекин (Хитой)да бўладиган ёзги олимпия ўйинлари дастуридан жой олган футбол бахслари саралаш учрашувларига қуръа ташланди. Унга қўра, Равшан Ҳайдаров мураббийлик қилаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси илк саралаш босқичида қўшниларимиз Тожикистон футболчилари билан куч синашди.


Вакилларимиз дастлабки ўйинни 2007 йил 7 февралда Тошкентда ўтказди. Жавоб учрашуви эса 14 февралда Душанбеда уюштирилиши белгиланган. Икки ўйин натижасига қўра, голиб бўлган жамоа кейинги босқичга йўлланма олади.

Қуйида саралаш босқичининг қолган жұфтликлари билан танишинг:

- Мянма — Ҳиндистон;
- Иордания — Қирғизистон;
- Туркменистон — Таиланд;
- Вьетнам — Афғонистон;
- Сингапур — Покистон;
- Сянган (Гонгконг) — Бангладеш;
- Яман — Фаластин;
- Индонезия — Мальдив ороллари;
- Австралия — Хитой-Тайпейи.

ЯРАШИШ ОРОЛДА БЎЛАДИ

ФИФА президенти Зепп Блаттер икки футболчи — Зинеддин Зидан билан Марко Матерацини ўзаро яраштириш лойиҳаси ишлаб чиқилганини маълум қилди. Қондабузарлар Жанубий Африка Республикасидаги Роббен оролида учрашадиган бўлиши.



Қизиги шундаки, бу орол бир вақтлар қамқоҳона вазифасини ўтаган бўлиб, ҳозир музейга айланган ва сайёҳлар бу ерга қўллаб келар экан.

Зидан билан Маркони яраштириш таклифи эса жаҳон чемпионати ташкили кўмитаси аъзоларидан бирининг фикри эди. ФИФА президентининг сўзларига қараганда, бундай учрашув француз ва италян футболчилари ўртасидаги келишмовчиликка нўқта қўяди.

Эслатамиз, Зидан уч ўйинда катнашмаслик жазосини олган. Лекин у катта футбол билан хайрлашгани учун бундай жазо ун кунлик жамоатчилик иши билан алмаштирилган эди. Ҳозирча ФИФанинг таклифини Европа футбол ассоциацияси иттифоқи ҳам маъқуллаб турибди.

● Тадбир

ТАЛАБАЛИК ТАНТАНАСИ

Тошкент Тиббиёт академияси ташкил топганига бир йил тўлди

«Туркистон» саройида мазкур сана ҳамда давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий илм даргоҳига қабул қилинган ёшларнинг талабалик қасам-ёдини қабул қилишга бағишланган тантана бўлиб ўтди. Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори Шавкат Каримов тантанали кечани оча туриб: — Бу юрт дунё тиб илмининг тараққиётига улкан улуш қўшган ибн Сино, ар-Розийдай буоқ алломаларни тарбиялаб берган муқаддас макондир. Зеро, энди сиз Тошкент Тиббиёт академиясида улкан салоҳиятга эга ана шундай ибн Сино издошларидан тиб илмдан сабоқ оласизлар. Бугундан эътиборан Сизнинг елкангизда катта масъулият юк-

ланади — инсон соғлиғини сақлаш, бемор соғлиғини тиклаш хисси билан яшаш, интилиш, курашиш, — деди. Маълумки, Тошкент Тиббиёт академияси фаолиятида ўтган бир йил синовлар, ўзгаришлар даври бўлди. Бу ҳақда академиянинг даволаш факультети декани Қуддус Расулов шундай дейди: — Бу йил академияга давлат тест синовлари асосида 720 нафар ёш талабаликка қабул қилинди. Яқин ўтмишда бу рақам бир неча мингга ташкил қиларди. Тўғри, сон қамайди, лекин бу албатта, сифат, самарадорликка ижобий таъсир этади. Энг билимли, иқтидорли, хоржилий тилларни чўқур биладиган ёшларни танлаб олишга, хар бир талабани на-

зорат қилиш, чўқур билим бериш имконияти туғилди. Академия салоҳиятли профессор, ўқитувчилар жамоасига эга. Бизнинг факультетда 500 нафар домла бўлса, уларнинг 85 нафари тиббиёт фанлари доктори, 200 нафардан ортиги фан номзоди. 2800 нафар талабамиз бор, демак, хар бир домлага 5-6 нафар талаба тўғри келади. Бу олдинги 20-30 нафар ёшга билим бериш сифатидан фарқ қилиши табиийдир. Бугунги ёшлар янги ўқув дастурлари асосида замонавий илм олади, компьютер, интернет орқали ишлашни чўқур ўрганишди. Билимнинг чегараси йўқ, У доим тараққиётда. — Мен Ҳилола Қаюмоваман, тошкентликман, — дейди ёним-

даги қиз. — Қувончим чексиз, талаба бўлдим. Менга Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги 307-ўрта мактабда биология, кимёдан билим берган устозим Муқаррам Эшонқўжаевдан, талабчан, бизга онадай меҳрибон директоримиз Светлана Бочкаревадан чексиз миннатдорман. Мен академияда аъло ўқиб, келажақда малакали стоматолог бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Кеча сўнггида ёшлар жўр бўлиб талабалик қасамёдини қабул қилдилар.

Биз ёшларнинг талабалик тантанасидаги қасамёдига содиқ қолиб, келусида етук кадр бўлиб, жамият тараққиётига, эл соғлиғини сақлашдаги савобли, шарафли вазифани сийдиқилдан удралайдилар, деб умид қиламан.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 28 августдаги № 11-0622/7155-сонли иши ҳал қилув қарорига асосан, «Зангиота Автобус-такси саройи» ОАЖ банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш очилган. Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мўддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Зангиота тумани, Эшонгузар кўрғони, «Зангиота АТС» ОАЖ.

Сурхондарё вилоят Хўжалик судининг тегишли ажримига асосан қузатув жорий этилган корхоналарнинг биринчи кредиторлар йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома

Корхона ва ташкилот номи	Корхона раҳбари (исми-шарифи)	Қузатув жорий этилган Хўжалик суди ажрими (рақами, сана)	Корхона манзили	Банкротлик таъмини	Банкротлик тўғрисидаги ишнинг кўриб чиқилиш сана	Муваққат бошқарувчиси (исми-шарифи)	Йиғилиш ўтказилган сана	Йиғилиш ўтказилган манзил
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Денов тумани «Охунбобоев» савдо - ишлаб чиқариш ЕТАЖ	З.Исмомил	31.08.2006 й. 19-0605-4365	Денов тумани «Охунбобоев» ширкат хўжалиги	Қузатув	31.10.2006 йил соат 10.30	М.Ҳамидов	12.10.2006 йил соат 10.00	Денов тумани «Охунбобоев» савдо - ишлаб чиқариш ЕТАЖ бинасида
Денов тумани «Хазарбоб» савдо - ишлаб чиқариш хўжалик жамияти	М.Исмомилова	31.08.2006 й. 19-0605-4367	Денов тумани «Хазарбоб» ширкат хўжалиги	Қузатув	31.10.2006 йил соат 11.30	М.Ҳамидов	13.10.2006 йил соат 10.00	Денов тумани «Хазарбоб» савдо - ишлаб чиқариш хўжалик жамияти бинасида

Юқорида қайд этилган корхоналарнинг кредиторлари йиғилишга ўзаро қарздорлик тўғрисидаги солиштирма далолатноманинг нусхаси ва ишончнома тақдим этишлари шарт. Мазкур қарздор корхонага нисбатан кредиторлар талабнома тақдим этишлари лозим. Қўшимча маълумот учун манзил: Термиз шаҳри, Н.Ходжаев кўчаси, 5-уй. Тел: (8-37622) 7-29-12, 3-83-61.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir
birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Norboyo SHAKAROV
Nomo SA'DULLAYEV
To'lepbergenov
QAIPIBERGENOV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani
MAMASOIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va
xalqaro hayot
133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va
iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Ekologiya va
salomatlik
133-44-55
Axborot, sport va
harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va
ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT
MUXBIRLARI:**
Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-22-32
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-15
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@ozbekistonovozi.uz

Navbatdagi:
Ma'murjon PARIPIYEV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida teriladi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikomjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharh» nashriyot-matbaa
aktsiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:
Buyuk Tura ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston
Matbuot va axborot agentligida
008-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba
va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib bosish
faqat tabiiy ruxsat bilan
amalgah oshiriladi.

Г — 1150
7474 nusxada bosildi
Г — Тижорат манериалу
Г — А yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 21.30
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda